



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СЕУЛ МЭРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль кuni
Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни қабул қилди.

Сеул шаҳри мэри Президентимизга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг ушбу мамлакатга жорий йил давомида давлат ташири билан бориш таклифни шахсан топшириш учун Тошкентга келган.

Давлатимиз раҳбари таклифни мамнуният билан қабул қилар экан, бугун Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик ришталари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб турганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси мамлакатимизда саноат ва инфратузилмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга оширишда анъанавий етакчи инвестицион ва технологик шерик ҳисобланади. Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банкларининг 7 миллиард доллардан зиёд инвестициялари жалб этилган ҳолда иқтисодийётимизнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Илмий-техник, маданий-гуманитар, тиббиёт ва таълим соҳаларида ўзаро муносабатлар кенгаймоқда.

Ўзаро яқин ҳамкорликнинг бугунги юксак босқичига кўп жиҳатдан олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфайли эришилди.

Учрашувда бугун қабул қилинган «Йўл харитаси»га мувофиқ биродарлашган шаҳарлар — давлатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Сеул ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Замонавий технологияларни кенг қўллаш асосида шаҳарни бошқариш, транспорт тизими ва уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизимни ташкил этиш соҳасида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳарсозлик, архитектура ва ландшафт дизайни соҳаларида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида мунтазам таширлар алмашиш тўғрисида келишувга эришилди.

ЎЗА

ПАК ВОН СУН:

СЕУЛ ВА ТОШКЕНТ ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳри мэрининг мамлакатимизга ташири ўзаро ҳамкорлик ривожига муҳим воқеа бўлди.

Сеул шаҳри мэри ПАК ВОН СУН ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиш менга улкан шараф бўлиб, катта мамнуният бағишлади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, юксак натижаларга эришилди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Жанубий Корея билан стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ҳам шундай фикрда.


Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Президентини Жанубий Кореяга давлат ташири билан боришга таклиф этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигидаги учрашув самарали бўлди. Биродарлашган пойтахтларимиз ўртасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Эндиги вазифамиз Сеул ва Тошкент ўртасидаги ҳамкорликни аниқ лойиҳалар, амалий натижалар билан янада бойитишдир. Ташир-фимиз давомида бу борадаги интилишларимиз, ўзаро мувофиқ сазъ-ҳаракатларимиз акс этган хўжатларни имзоладик, узок истиқболга мўлжалланган келишувларга эришдик.

Пойтахт шаҳарларимиз ҳамкорлиги мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

ЎЗА муҳбири
А.САМАДОВ ёзиб олди.

Президент таширифидан сўнг МЎЙНОҚҚА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БОРДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташири чоғида Мўйноқ тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга қаратилган Кўнғирот — Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши лойиҳасининг бошланишига тамал тоши қўйган эди.

Орадан роса 5 ой ўтиб, 101 километр узунликда қувур ётқизилиб, туман аҳолиси учун тоза ичимлик суви етказиб берилди. Иншоотнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган мазкур бунёдкорлик ишларида 26,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қурилиш-монтаж ишлари

бош пудратчи — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «СПМС» махсус кўча механизациялашган станция қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига муносиб совға бўлган ушбу иншоотнинг ишга туширилиши натижасида бир суткада 7 минг куб метр суви узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.

— Тоза ичимлик суви ҳудуд аҳолисининг кўп йиллик орзуси эди, — дейди «Нуроний» жамғармаси Мўйноқ тумани бўлими бошлиғи Жангабой Жусипов. — Шу пайтгача аҳоли Амударё ёки ер ости сувидан фойдаланиб келар эди. Халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш борасидаги бундай улкан бунёдкорлик ишлари мустақиллигимиз шарофати ва Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 январдаги «2017-

2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»-ги қарори асосида нафақат туман маркази, балки чекка овулардаги аҳолини ҳам сифатли ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган. Хусусан, «Нукус, Беруний, Мўйноқ, Қўнғирот ва Қораўзак туманларининг сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш» лойиҳаси доирасида буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкнинг молиявий кўмағида Мўйноқ туманидаги 6 аҳоли пунктида яшовчи аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. «Мўйноқ — Учсой» сув тармоғи яна 1,51 километр узайтирилиб, олис овул аҳолисида сифатли ичимлик суви етиб боради.

Президентимизнинг жорий йил 28 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда иқтисодий ривожлантириш ва бандлиқни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига кўра, туманда 72 лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, бугунги кунда 36 лойиҳа ижроси доирасида 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов сўзга чиқди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Муносабат

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЁШЛАР ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧ ВА СУЯНЧНИ ҲИС ҚИЛМОҚДА




Ўзбекистон байроғини баланд кўтарётган ёшлар сафи ошиб бормоқда.

2017 йил 30 июнь... Бу кун мамлакатимиз ёшлари учун том маънода тарихий кун бўлди. Бу кун уларнинг хотирасида бир умр сақланиб қоладиган бўлди. Бу кунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, давлатимиз раҳбарининг нутқида йигит-қизларни ўйлантириб келаётган кўпдан-кўп муаммоларга эътибор қаратилди, айни пайтда уларнинг ечимлари кўрсатиб ўтилди. Қаерда, қайси даврада ўтирманг, ҳаммининг тилида бир гап: «Ёшлар учун катта имкониятлар эшиги очилди, кўркмасдан дадил қадам ташлаш вақти келди»...

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги «Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва сўянчимиздир» деб номланган нутқи юртимиздаги барча ёшларнинг руҳини кўтарди, ўз кучи ва келажагига ишончини янада мустаҳкамлади. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини эгаллашига кўмаклашишга қаратилган қатор чора-тадбирлар тарихий аҳамият касб этади.

Партияимизнинг ёш аъзолари, депутатлар Президентимизнинг нутқида кўтарилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳақида ҳаяжон билан, фахрифтихор билан гапиришмоқда. Шу билан бирга, ўз зиммаларидаги вазифаларга мутлоқ янгича дунёқараш билан ёндашишни ўрганмоқда.



Кипрнинг Протарас шаҳрида математика фани бўйича «SEEMOUS» ўнинчи халқаро олимпиадаси ғолиблари Ҳакимбой Эгамбергандов ва Шоҳруҳ Иброҳимов.



Пианино қироли — Беҳзод Абдураимов.



Дунёни лол қолдираётган ёш шохмотчиларимиз Жавахир ва Ислонбек Синдоровлар.

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловини эълон қилади.

«ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга «Фидойинг бўл-гаймиз сени, Ўзбекистон!» деган бош ғояни ўзида мужасам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг маъно-мазмунига мувофиқ яратилган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2016 йилнинг 1 августидан 2017 йилнинг 1 августигача бўлган даврда расман chop этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоёниш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрами арафасида мукофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.


Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД ЙЎЛИ

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзuidaги анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар ўртасида диний тарбия, ислом динининг бебаҳо фазилатлари, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Анжуман иштирокчиси сифатида кун тартибига қўйилган масала, яъни ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилалар, маҳаллалар, юртимизда соғлом мухитни қарор топтириш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз келажагини ҳал қилишда нақадар улкан аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мамлакатимиз раҳбарининг Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилишга даъват этувчи фикрлари, бу борада йўл қўйилган камчиликлар, олдимизда турган энг муҳим вазифалар тўғрисидаги мулоҳазалари барча қатори мени ҳам янада фаол бўлишга, зиммамдаги масъулият ва жавобгарлик ҳиссини ҳар қачонгидан чуқурроқ англаган ҳолда яшашга ва ишлашга ундади.



Тўғри, юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлашда, ёшларимизнинг турли диний оқимларга кириб қолишдан асрашда, йўлдан адашганларни соғлом эътиқод йўлига қайтаришда фаол иш олиб борилаётгани ҳаммамизга аён. Аммо ҳали-ҳануз, шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларда тўғри эътиқод йўлидан адашганлар, сохта ашловларга ишониб, гулдаи умрини хазон қилаётганлар йўқми? Биз дин пешволари уларни бундай зарарли таъсирлардан асраш учун нима қилаёмиз? Билиб-билмай йўлдан адашган болани даров душманга чиқариб қўймаймизми? Ёки, бу қўшнингнинг боласи, бошқа маҳалладан, деб бепарво, лоқайд муносабатда бўлаётганимиздан кўз юмаймизми? Афсуски, бу бор гап.

Ҳаётда, кундалик турмушда учраб турадиган яна бир иллатга ҳам эътиборли бўлишимизни истардим. «ЗАГС»дан ўтмасдан,

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида қонуний никоҳни қайд этмасдан туриб, яширинча, шаърий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олишдек ноҳушдан ноҳуш ҳолатга бугун ҳам дуч келаётганимизни нима билан оқлаш мумкин? Хўш, бундай шаърий никоҳларни кимлар ўқияпти? Пул эвазига, яширинча никоҳ ўқитган баъзи бир чала муллаларимиз ўзларининг бундай ҳатти-ҳаракатлари эртага қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб кўришайптими?

Қонуний қайд этилмаган никоҳдан туғилган болаларнинг тақдири нима кечади, келажаги қандай бўлади? Улар қонуналаримизда белгиланган қўлдан-қўл ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолишмайдами? Бундай болаларнинг руҳияти синиб қолмаслигига ким қафолат беради? Ажралишларнинг қаймаётгани,

беғуноҳ, норасида болаларнинг етим бўлиб қолаётгани, аёлларимиз ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолисалари ҳанузгача учраб туришларининг сабаблари ҳам шунда эмасмикан?

Туманимизда 146 мингдан зиёд аҳоли бор. Улар катта-кичик, яқин-йироқ юзлаб қишлоқлар ва маҳаллаларда истиқомат қилишади. Юқорида айтилган анжумандан қайтиб келгач, ҳамкор ташкилотлар, жамоатчилик вакилларида иборат ишчи гуруҳи туздик. Айни кунларда гуруҳ аъзолари қишлоқларда, маҳаллаларда бўлишайпти. Уйма-уй, хонадонма-хонадон кириб, хорижга кетган ёки бекор юрган, кимнингдир ноинсофлиги оқибатида нотўғри йўлга тушиб қолган ёшлар, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари билан яккама-якка суҳбатлар ўтказаямиз. Бу борада таълим-тарбия, тарғибот амалларидан, шахсий ибрат кўрсатиш усулларида фойдаланаямиз.

Ватанимиз тақдири, халқимиз, хусусан, ёшларимиз келажагига бефарқ бўлишдан сизу бизни Яратганининг ўзи асрасин. Бу йўлда собитқадам, ҳамжиҳат бўлиш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш, аҳоли ўртасида соғлом эътиқод йўлини кенг тарғиб этиш, йўлдан адашганларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш барчамизнинг бурчимиз, муқаддас динимиз даъват этадиган эзгу амалларга уйғун вазифа эканлигини унутмасак, ўйлайманки, Оллоҳ сизу бизга маддкор бўлади.

Раҳмонкул ҳожи МАМАТКУЛОВ, Бахмал тумани бош имом хатиби.

Миллий матбуот марказида

Дори-дармон воситалари таъминоти яхшиланаяптими?

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш ишларини яхшилашда дастуриал амал бўлаётгани қайд этилди.

— Ҳозирда компаниямиз таркибиде 8 акциядорлик ҳамда 12 маъмулоти чекланган жамияти, 17 дори-дармон омборхонаси, 15 назорат-таҳлил лабораторияси ва республикамизнинг барча ҳудудларида жами 1400 дан ортиқ дори-дармон муассасалари фаолият кўрсатмоқда, —

деди «Дори-дармон» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Абдугани Комилов. — Республикаимизнинг чекка туманларида фаолият юритувчи кўчма дори-дармон ташкил этилди. Айни пайтда компаниянинг махсус жиҳозланган «ISUZU» русумли изотермик автофургонларида 14 кўчма дори-дармон фаолият кўрсатмоқда. Қўшимча равишда 100 та «Damas» русумли автомашинида кўчма дори-дармон ташкил этилди.

Бундан ташқари, компаниямиз таркибига кирувчи дори-дармондаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати ва нархи билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича муносабатлар (0371) 120-16-63 рақамли «Ишонч

телефони» орқали қабул қилинмоқда. Ҳар бир муносабат компания ходимлари томонидан кўриб чиқилад, қонун доирасида ҳал этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Доривор ўсимликлар асосида дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги йўналиш баёнида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда доривор ўсимликларни бирламчи ва чуқур қайта ишловчи 190 киши ва йирик корхона томонидан 392 турдаги дори воситаси ва 62 турдаги биологик фаол қўшимчалар рўйхатдан ўтказилиб, 15,11 миллион қадок биологик фаол қўшимчалар сотувга чиқарилди.



Яна шунга айтиш кераки, Президентимизнинг «2016-2020 йилларда республикада фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020 йилгача бўлган даврда фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича жами 67 та инвестиция лойиҳасини

амалга ошириш режалаштирилган.

Тадбир якунида йиғилганларга компания томонидан амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар, келгусидаги асосий йўналишлар бўйича маълумотлар берилди.

Тоштемир худойкулов, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Н.НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири.

ИП ООО "AMKODOR-TASHKENT"
официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Автогрейдеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)

3-й класс

Электropoгpyзчик вилочный (1,2; 1,6; 2,5 тонны)

Электротележки (2-, 3-тонные)

Коммунально-уборочные машины

Катки вибрационные

Машины фрезерные

Погрузчики с телескопической стрелой

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

Узбекистан, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+45/+28
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+45/+28
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+43/+27
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+45/+28
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+41/+27
Тошкент шаҳри	+40/+24